



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 30 июль, № 149 (4812)

Пайшанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



АНДИЖОН. Балиқчи туманидаги Хўжабод қишлоғлик тадбиркор Мавлудакон Йўлбарсова тикувчилик цехини ишга туширди.

Изланишлар

самараси

Хозир бу ерда мактаб ўқувчилари учун турли кўринишдаги бежирим сумкалар ишлаб чиқарилмоқда. Шу кунгача ушбу жамоа 20 миллион сўмлик ўқув анжомлари ишлаб чиқариб, "Мактаб бозори"га етказиб берди.

Этиборлиси, янги цехнинг ишга тушуши натижасида 45 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Бу ерда "Маҳалла фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўриктанловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Энг намунали

маслаҳатчи

Унда билими, тажриба ва шахсий ибрати билан кўпчилик ўртасида обрў-этибор қозонган ўн икки нафар хотин-қиз ўзаро баҳслашди. Тадбир якунида Наманган туманилик маърифатчи Л. Каримова олий ўринга лойиқ деб топилди. Уқўрғонлик М. Рўзиматова биринчи, қосонсойлик Б. Мухаммадиева ва Наманган шаҳри вақиласи О. Насриддиновага кейинги ўринлар nasib этди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРҒОНА. Яйпанда кўпчилик Фуломжон Шерматовни нафақат кўли гул уста, балки тадбиркор сифатида ҳам яхши билади.

«Наврўз»нинг харидоригр мебеллари

У раҳбарлик қилаётган "Наврўз" корхонасининг бежирим мебель жиҳозлари нафақат Фарғона водийси вилоятларида, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам харидоригр бўлиб бормоқда. Чунки қишлоқ корхонаси маҳсулотлари сифати ва арзон бўлиши баробарида, хорижидан асло қолишмайди.

Хозир бу ерда 50 турдан ортиқ мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 35 киши меҳнат қилаётган мажмур жамоада жорий йилнинг ўтган даврида 120 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ. Вилоятдаги бир қатор соғлиқни сақлаш муассосаларига "Hyundai" русумли олтита "Тез ёрдам" машинаси топширилди.

Тиббий хизмат кўрсатишда қулайлик

Айтиш лозимки, бундан икки ой олдин ҳам вилоят тиббиёт муассасаларига 21 та "Дамас" автомобили берилганди. Бу аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб, қўшимча қулайликлар яратмоқда.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН. Тахтакўпир тумани Бандлик кўмаклашувчи маркази томонидан наватдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

130 кишига иш учун йўлланма

Унда тумандаги 36 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 137 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбир якунига кўра, 130 кишига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. Этиборлиси, доимий ишга жойлашганларнинг аксарияти ёшлардир.

А. ҲИДОЯТОВ.

ОЗОД ЮРТНИНГ НУР БУЛОҒИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, жумладан, электр энергияси ишлаб чиқариш тизимида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилмоқда. Буни Таллимаржон иссиқлик электр станцияси фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.




Ислохот

аолиятини бошлагандан буён 23 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарган ушбу электр станцияси нафақат республикаимизда, балки Марказий Осиёда энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Истиқбол йилларида унинг 800 мегаваттга биринчи блокнинг ишга туширилиши тизимдаги улкан лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилди.

Кувонарлиси, бугунги кунда ИЭС жойлашган Нуристон шаҳарчаси ҳам том маънода нурга чўлганмоқда. Бу ерда истиқомат қилаётган 14 мингдан ортиқ аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Бир-бирдан шинам тураржойлар, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган мактаб, болалар боғчалари, касалхона ва спорт иншоотлари сингари кўплаб ижтимоий соҳа объеклари уларнинг хизматида.

Таллимаржон ИЭСида келгусида яна учта блок ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бу, ўз навбатида, корхона куввати ошишига, яна юзлаб иш ўринлари яратилишига, энг муҳими, иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, хонадонларимизни эса янада чароғон этишга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.



СУРАТДА: ишчилар Баҳодир Омонов, Рустам Эгамбердиев ва Мухаммади Иброҳимов.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Жорий йилнинг 25-29 август кунлари Шарқнинг тарихий жаҳоҳири бўлмиш кўҳна Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» еттинчи аънанавий халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.

Инсон ҳаётида санъатнинг аҳамиятини, мусиқани эса унинг маънавий дунёсига таъсирини таърифлаш ниҳоятда мушкул. Ер юзиде мусиқани севмайди, унинг таъсирига тушмайди ҳам тоғилмас керак. Мусиқада қандайдир сехрли куч яширинган бўлиб, уни англаш учун сузлар керак бўлади.

Ўзбекистонда санъатнинг бошқа йўналишлари қатори мусиқа санъатини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда миллий ва

халқаро мусиқа фестиваллари ҳамда кўрик-танловларининг ўтказилиши,

Биз ва дунё

мусиқа санъати вакиллари ҳар томонлама рағбатлантириш, ёш иқтидор соҳибларини қириб топиш ва уларни кўплаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар фикримизни яққол тасдиқлайди.

(Давоми 4-бетда).

МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТАНТАНАСИ

Мамлакатимиз галла мустақиллигини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган юртимиз дехқонлари «Ҳосил байрам»ларини зўр шодона тарзда нишонламоқдалар. Байрам тантаналарида жорий йилда барақали ҳосил етиштирган галлакорларнинг заҳматли меҳнатлари эътироф этилиб, илгор қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари рағбатлантирилаётгани уларда ўз ишига бўлган муносабатининг янада ўзгаришига хизмат қилмоқда. Зотан, меҳнати қадрланган, заҳмати беэътибор қолмаган элда байрамларга арзигулик натижалар қўлга киритилаверади.

БУХОРО. Вилоят галлакорлари учун бу йилги мавсум муваффақиятли яқунланди. Қабул масканларига 153 минг тоннадан зиёд дон топширилиб, давлат дон сотиш бўйича шартнома мажбурияти ошириб бажарилди. Меҳнат зафарига, хусусан, Қоровулбозор, Ғиждувон, Пешку, Бухоро, Вобкент туманлари дехқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар. 65,6 минг гектар галлазорининг ҳар гектаридан 55,1 центнердан ҳосил олинди. Соҳа мутахассисларининг таъсияларига кўра экилган "Половчанка", "Қрошқа", "Краснодар-99" каби бугўдй навлари маҳаллий иқлим шароитига мослиги билан галлакорларга маъқул тушди.

Жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг

мамлакатимизга салбий таъсирини қамайтириш ва бартоараф этиш борасида ишлаб чиқилган дастурлар, жумладан, озиқ-овқат дастурининг ихросини таъминлашга қара-

Келгуси йил галла ҳосили учун вилоятда 15 минг 400 тонна сифатли уруғлик тайёрлаб қўйилди. Ғиждувон туманидаги "Шуқур Тўхта", Ромитан туманидаги "Насим-

сўзлар айтилди. Илғорларга қимматбахо совғалар топширилди. Санъаткорларнинг куй-қўшқларида она-юрт, тинчлик, заҳматкаш дехқонлар меҳнати маҳд этилди. Байрамга тақдир қилинган ёш қари тўкин дастурхон атрофида жам бўлиб, кўнглилариде шўкроналик ҳиссини туйдилар.

Байрам тантаналарида Бухоро вилояти ҳокими С. Хусейнов иштирок этди. **Истам ИБРОҲИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

Истиқбол йилларида мамлакатимизда аҳоли бандлигини ошириш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда. Бу борада зарур ҳуқуқий асослар ҳам яратилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАСИ

Жумладан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини ҳаётга татбиқ этиш, меҳнатга лавқатли кишиларни иш билан таъминлаш ва шу орқали уларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш учун барча имкониятлар сафарбар қилинмоқда. Натижада янги-янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, иш ўринлари сонига тўбора кўпаймоқда. Давлатимизнинг мазкур ижтимоий сибсати нақадар пухта асосларга эга эканлиги, айниқса, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яна бир қарра ўзини оқлади. Буни жойларда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Пойтахтимиздаги Бобур номили маданият ва истироҳат боғида шундай тадбирнинг наватдагиси ўтказилмоқда. У Тошкент шаҳар ҳокимлиги, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармаси, шаҳар Банд-ошириш учун барча имкониятлар сафарбар қилинмоқда. Давлатимизнинг мазкур ижтимоий сибсати нақадар пухта асосларга эга эканлиги, айниқса, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яна бир қарра ўзини оқлади. Буни жойларда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ярмарка

лиққа кўмаклашиш маркази ҳамда бошқа тегишли идоралар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ярмаркада пойтахтимиздаги 225 та корхона, ташкилот ва муассаса 21243 та бўш иш ўрни билан қатнашмоқда. Этиборлиси, бу гал унга Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ҳамда вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқаролари мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 3-бетда).

ҲУҚУҚИЙ МАЖМУАЛАР ТИЗИМИ


Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Чунончи, ўтган давр мобайнида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилди.

Кўлланма

Айни пайтда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар эҳтиёждан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик мунтазам тақомиллаштирилиб борилаёттир. Буларнинг барчаси пировардида жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг қарор топишига, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қил-

моқда. Икки палатали парламент тизимининг жорий этилиши эса мамлакатимизда қонун ижодкорлигининг профессионал институтлари шаклланишига туртки берди. Ва ҳақли равишда "миллий ҳуқуқий тизим", "Ўзбек қонун-ҳуқуқий тизими" деб аташ мумкин.

(Давоми 2-бетда).



Янги корхоналар, рақобатбардош маҳсулотлар

2009

йилнинг биринчи ярм йиллигида республикаимизда санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

9,1

фоизга ўсди.

Ўтган даврда юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб янги санаот корхоналари ишга туширилган, мавжудлари технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида улар ҳам томонлама кўллаб-қувватлангани тармоқда ана шундай юқори ўсиш суръатини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Тадқиқот хулосаси

"ING Direct" банки томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШнинг 29 фоиз аҳолиси ҳаётига жиддий таъсир ўтказган.

Гап шундаки, молиявий тақчиллик қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига, оилаларда ажралишлар оқибати бўлишига олиб келган.

Бундан ташқари, иқтисодий таназул 40 фоиз америкаликнинг муддатидан олдин нафақага чиқишига сабаб бўлган.

Айирмачиларнинг қилмиши

Испаниянинг Бургос шаҳридаги Фуқаро гвардияси казармаси олдида портлаш содир бўлди.



"El Mundo" нашрининг ёзишича, портловчи қурилма ўрнатилган машина бино девори ёнида қолдириб қолган экан.

Поезд ҳалокатга учради

Хитой жанубидаги Гуанси-Чжуан автоном районида темир йўл ҳодисаси содир бўлди.

Бу ҳақда "Синхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Бу ерда поезд изидан чиқиб кетиши натижасида тўрт киши ҳалок бўлган, 50 киши тан жароҳати олган.

Ҳалокатга ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлгани айтилмоқда. Ёмғир уч кундан буён ёғаётгани боис темир йўлнинг баъзи жойларида ўғирлишлар содир бўлган.

Қароргоҳ қамал қилинди

Ироқ ҳукумати қўшинлари мамлакат ҳудудидаги эронлик қочқоқлар қароргоҳини қамал қилиб олган.

Сал олдинроқ қарийб йигирма йилдан буён эронлик диссидентлар яшаб келаётган мазкур қароргоҳ ёпилиши маълум қилинган. Ҳукумат қочқоқларнинг ватанга қайтишларини ёки бошқа бир давлатга кетишларини талаб қилаётган экан.



Шу ўринда айтиб ўтиш керак, қароргоҳ шу пайтгача АҚШ армияси ҳимоясида бўлиб, бу ерда 3,5 минг киши истиқомат қилиб келган.

Этиборни кучайтириш талаб этилади

Европа авиакомпанияларида ҳар кун ирттача 10 минг киши ўз юртакларини йўқотиб қўяди.

Бу маълумот Европа Иттифоқининг транспорт масалалари бўйича комиссияси томонидан маълум қилинди. Статистика маълумотларида келтирилишича, 2007 йилда 42,4 миллионга яна шундай ҳолат содир бўлган, 2008 йилда эса бу аҳвол 32,8 миллион кишида қайд этилган.

Юқоридаги йўқолиб қолиши нафақат аэларига, балки авиакомпанияларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди. Чунки бундай пайтларда йўловчилар шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, 1100 еврогача тоvon пули уни-дириб олишлари мумкин. Шу боис Европа Комиссияси бу масалага этиборни кучайтириш лозимлигини ўқитиб ўтган.

Чекиш — ёмон иллат

Буёқ Британияда тамаки чекувчиларнинг қарийб ярми бу оdatни кўнгилхушлик учун ўрганишган экан.

Ушбу мамлакатнинг Сэртонни ўрганиш миллий маркази томонидан ўтказилган тадқиқотдан сўнг шундай хулосага келинди. Тахминлар кўнунда 50 фоиз чекувчи бундан роҳат олиши билдирган. 47 фоиз киши эса қаттиқ ҳажрон ва руҳий зарбаларни енгил ушбу тамаки тутатишаркан. Бошқа бир тоифадагилар олтиқча вазндан халос бўлиш ва турли оғирликларни енгил мақсадида чекишга одатланишган экан.



Тадқиқотнинг ўтказилишига мазкур иллат билан боғлиқ ўлим ҳолати кўпайгани сабаб бўлган. Мисол учун, мамлакатда йилга автохалокатлар туфайли уч минг одам ҳалок бўлса, тамаки чекиш орқали юзага келадиган касалликлар 33 минг кишининг умрига зомин бўларкан.

Табиийки, бундай ноҳус ҳолатлар мамлакатимизда ҳам мазкур касалликларнинг олдини олиш бўйича фаол иш олиб бориши тақозо этмоқда. Шу мақсадда республикамиздаги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар белгила-ниб, уларнинг ижроси изчил равишда таъминлаб келинапти.

Маълумки, А/Н1Н1 гриппи аломатлари мавсумий грипп ва ўткир респиратор хасталик белгиларидан деярли фарқ қилмайди. Хасталик нафақат ҳаво-томчи, балки маиший мулоқот йўли билан ҳам юқиши мумкин. Бунда беморда тана ҳароратининг кўтарилиши, эт увишиши, ҳолсизлик, бош оғриғи, иштаҳа пасайиши, тана-да оғриқлар каби белгилар кўзатилади. Тана ҳарорати бир неча соат ораллиғида 38,5-40 С даражача кўтарилиб, хасталикка чалинган инсоннинг аҳоли оғирлашади. Айрим беморларда қайт қилиш, ич кетиши ва зотилжам каби асоратлар бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, касалликдан сақланиш учун мазкур грипп тури бўйича эпидемик вазият ноҳус бўлган давлатларга сафарларини вақтинча чеклаш, шахсий гигиена қоида-

ЭҲТИЁТКОРЛИК — ЭНГ ЗАРУР ЧОРА

д А/Н1Н1 гриппи хасталиги қайд этилмаган. Шундай бўлса-да, ушбу касаллик кириб келишининг олдини олиш мақсадида жойларда санитария назо-рати янада кучайтирилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида кенг қамровли профилактика тадбирлари, тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Маълумки, бугун юртимиздан ҳаво, ер усти транспорти орқали кўплаб давлатлар билан қатновлар йўлга қўйилган. Демак, янги грипп хасталигининг автомагистраллар, темир йўл станциялари ҳамда ҳаво транспорт орқали кириб келиши хавфи мавжуд. Шу боис мамлакатимизнинг давлат чегараларидан ўтиш жойларида 68 та санитария на-

зорати пункти куну тун иш олиб бораёпти. Айни пайтда бу жараёнда тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ходимларининг эпидемиологик хавфга қарши тайёргарлик даражаси оширилган. Бу масканлар зарур дори-дармонлар, дезинфекция воситалари ва замонавий тиббий асбоб-

лар жараёнида ҳам авиайўловчилар доимий назорат остида бўлади.

Юртимизда эпидемия ва эпизоотияга қарши тадбирларни амалга оширишда Давлат ветеринария хизматининг ҳам ҳиссаси катта. Хусусан, ушбу хизмат ходимлари томонидан четдан юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида мол ва ҳайвонларнинг мақсадида, сўйиш майдончалари, гўшт дўконлари ва бошқа жойларда назорат кучайтирилган. Жойларда ветеринария гуруҳлари ташкил этилиб, барча чорвачилик объектлари дезинфекция қилинмоқда. Ўз навбатида давлатлараро чегара ҳудудларида ташкил этилган давлат ветеринария назорати пунктларида четдан келтириляётган чорва ва чорва маҳсулотлари текширувдан ўтказилиб, махсус рухсатнома берилгандан сўнггина юртимиз ҳудудига киритиляпти. Бу эса мавжуд вазиятни барқарор сақлашга хизмат қилмоқда.

Табиийки, саломатлигимизни асрашнинг энг муҳим шарты — эҳтиёткорлик. Шундай экан, мамлакатимизда эпидемик барқарорлиқни таъминлаш борасида нафақат мутасадди ташкилот ва идоралар ходимлари, ҳар биримиз жиддий қайғуришимиз лозим.

Сандмурод САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси бошлиғи.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лар тақлиф этилган. Ўз касби бўйича меҳнат фаолиятини бошлаш ниятидагиларга бу ерда барча маълумотлар тақдим этилиб, тегишли йўл-йўриқлар берилмоқда.

— дейди "Spentex Toshkent To'ytera" хорижий корхонаси масъул ходими Хидирбой Ортоқбоев. — Кейинги икки йилда корхонамиз энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Натижанда янги иш жойлари вужудга келди. Ушбу меҳнат ярмаркасининг ўтказилаётгани айна мuddаодир. Имкониятдан фойдаланиб, салоҳиятли ёшларни ишга тақлиф қилмоқчимиз.

Пойтахтлик Абдумутал Маждидов жорий ўқув йилида Тошкент тижорат коллежини тамомлади.

— Савдо-сотиқ ишларига жуда қизиқаман, — дейди Абдумутал. — Менга "Файз" холдинг компанияси томонидан тақлиф этилаётган иш ҳар жиҳаддан маъқул келди. Бундан ташқари, у ерда ходимлар учун яратилган шароитлар ҳам жуда юқори экан. Насиб қилса, фаолиятини шу компаниядан бошлайман.

Меҳнат ярмаркасининг илк иш куни самарали бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 13,5 мингдан зиёд фуқарога ишга қабул қилиш бўйича йўлнамалар берилди.

Ярмарка бугун ўз фаолиятини давом эттиради.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарёлик деҳқонлар қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда биологик усулдан кенг фойдаланмоқдалар.

БИОЛАБОРАТОРИЯ ЁРДАМГА КЕЛДИ

Айни кунларда вилоятда 84 та биологатория ишлаб турибди. Лабораторияларда етиштириляётган трихограма, олтинкўз, бракон капалакларни 119600 гектар майдонда парвариланаётган гўзани

Хизмат

кўсак курти, дала қандаласи, ўргимчаккана сингари зараркунандалардан сақлашда қўл келмоқда. — Биз кунига 500 гектар экинзорга етадиган фойдаланиш ҳашарот ишлаб чиқараёلمиз, — дейди Олтинсой тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази бошлиғи Хўшбек Жумаев. — Пахтачилик билан шуғулланаётган 210 та фермер хўжалиги экин майдонларига биологик ишлов бериш бўйича сервис хизматларини ташкил этганмиз. Бу камхаржлиги ва самарадорлиги билан барчага маъқул келяпти.

Бугунги кунда нафақат фермерлар, балки деҳқон (томорқа) хўжалиқлари ҳам биологаториялар билан ҳамкорлик қилмоқда. Чунки фойдаланиш ҳашарот полиз ва сабзавот экинларини зараркунандаларининг ҳам кушандасидир.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдо залида 2009 йил 17 август кунини соат 11.00 да ўтказилаётган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдосига қўйидаги объект қайтадан қўйилади:

Самарқанд вилояти хўжалик сундининг 2007 йил 2 октябрдаги 14-07-08/8960-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, А. Икромов кўчаси, 90-уйда жойлашган, «Шодлик» ИЧСКга қарашли савдо дўкони биноси (2 қаватли), қурилиш ости майдони — 192,55 кв.м. Бошланғич баҳоси — 109 613 274 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдоси 2009 йил 7 сентябрь кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Узсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар хўжалик сундининг 2009 йил 27 апрелдаги 10-0912/746-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчик тумани, «Роватек» ш/х да жойлашган, «ДАВР» фермер хўжалигига тегишли, умумий ер майдони 6064,7 кв.м. бўлган маъмурий бино, омборхона, 9 та айвон, 5 та молхона, 2 та коттеж, 3 та ошхона, битта ваннахона, ва битта меҳмонхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 3 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар билан 2009 йил 3 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йил 22 сентябрь кунини бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

Шунингдек, 2009 йил 18 август кунини соат 11.00 да такроран ўтказилаётган аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик сундининг 2008 йил 11 сентябрдаги 10-0811/8953-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, 3. Шамсутдинова кўчаси, 23-«А» уйда жойлашган, «Jisong Korea Industrial» ККга тегишли, жами майдони 10977 кв.м. бўлган 18 та бино, битта қурилиш тугалланмаган бино ва 3 та ишоот қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 185 000 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан-тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йули» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозов кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИҚШУНОСЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ўсимликлар генетика банки ялли совитиш мосламасини ўрнатиш ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш бўйича тендер эълон қилади. Тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади. Манзил: Тошкент вилояти, Кибрай тумани, «Ботаника» маҳалласи. Телефон: 386-70-13.

Ишбилармонлик меваси



Фуқаро Ҳасановни тадбиркор сифатида яхши билишади. Яқинда унинг ташаббуси билан Навоий шаҳрида гилам ишлаб чиқариш корхонаси қуриб ишга туширилди.

У банкдан олган кредити билан Навоий шаҳрида гилам ишлаб чиқариш корхонаси қуриб ишга туширилди. Яқинда унинг ташаббуси билан Навоий шаҳрида гилам ишлаб чиқариш корхонаси қуриб ишга туширилди. Яқинда унинг ташаббуси билан Навоий шаҳрида гилам ишлаб чиқариш корхонаси қуриб ишга туширилди.

3. ҲАМДАМОВ.

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
ПЗК филтрлари, ИЗО муфтлари



Маҳсулот сертификатланган. Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мазееси, Ц-дахиси, 6-уй. Мўлжал — «Шуркат» дўкони жойлашган чорраха.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шовилиқ тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуқадим Муминович ХАДЖИБЕГОВ отаси Мумин ХАДЖИБЕГОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодий жамоаси студия кинооператори Умид Ортоқбоев отаси ЕҲУТХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтини жамоаси катта илмий ходим, кимё фанлари номзофи Нусрат РАҲМОНБЕКОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Тошкент давлат иқтисодий, университет ректорати ва Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишўнослик кафедраси катта ўқитувчиси Шоира Жабборовна акаси Анварқўжа ЖАББОРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ПП «SHIRSHIQ SHANXAY PLAST» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ. ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДочные РАБОТЫ. Адрес: г. Чирчик, ул. Амира Темура, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».

Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.

ЎТМИШИ БОЙ, БУГУНИ ЧАРОФОН

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — мамлакатимиздаги нуфузли маърифат масканларидан бири. Мазкур муассасада шу кунларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тантанасига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.



Жумладан, пойтахтнинг ўтмиши ва бугунги кундан ҳикоя қилувчи илмий ва бадиий асарлар, фотосурат ва хариталар ҳамда мақолалардан иборат кўргазмалар уюштирилган.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ларга бойлиги билан эътиборни тортди. Ундан жой олган тарихий китоб ва фотосуратлар билан танишар экансиз, пойтахтнинг ўтмиши ва бугунги кунга қўзғингизда бор бўйи билан гавдаланади. Айниқса, Тошкент жамолини акс эттирувчи фотосуратлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. — Тошкент Фотосуратлар уйида

томошабин эътиборини жалб этди. Айтиб ўтилганидек, Тошкент ҳақида ёзилган асарлар жуда кўп. Табиийки, уларнинг барини бир пайтда бир жойга жамлаш ва танишиши кишига қийинчилик туғдиради.

— Байрам олдидан икки жилддан иборат "Юртим юраги — самандар шаҳрим" деб номланган библиографик кўрсаткичи тайёрланди, — дейди А. Умаров. — Унда шу кунгача яратилган барча асарлар жамланган, Китобни варақлар экансиз, Тошкент тарихи, ҳўжалиги, маданияти, илмий ҳаёти, айниқса, Истиклол йилларида Тошкент ҳаётида юз берган ўзгаришлар ҳақида тўла тасаввурга эга бўласиз. Шунингдек, китобдаги маълумотлар шаҳар ҳаётининг йўналишларига қараб алоҳида бўлимларга ажратилди ва ҳар бир бўлимдаги маълумотлар алифбо тартибда жойлаштирилди. Китоб шу кунларда чоп этилади ва ўқувчилар қўлига етиб боради.

Дарвоқе, кутубхона илмий жамоаси ушбу кўрсаткичдаги маълумотларни Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон сайтига ҳам киритмоқчи. Албатта, бу юртдошларимиз ва хорижликлар учун Тошкент ҳақида яратилган барча асарлар билан ақидан танишиш имконини беради.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

Андижон вилоятида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан "Либосларда қадрият акси" миллий ва замонавий либослар ойлги ўтказилмоқда.

МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирдан мақсад, ўзбек аёлининг ўзига хос замонавий ва миллий либосларини тарғиб этишдир. Ушбу ойлк доирасида шаҳар ва туманларда, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида турли кеча ва кўргазмали семинарлар бўлиб ўтмоқда. Айни пайтда моҳир чеварлар томонидан тайёрланган замонавий ва миллий рухдаги аёллар либослари намойиш этилаётди. Хусусан, ёш дизайнер Дибра Камоловнинг ижод намуналари ҳамда "Шухрат люкс" ўқув маркази томонидан намойиш этилган либослар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Г. ҲАСАНОВА.

Спорт • Sport • Спорт

Жорий йил футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этади. Ҳамюртларимиз билан бир гуруҳдан Гана, Уругвай ва Англия сингари кучли терма жамоалар жой олишган.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ «ЧЕЛСИ»ГА ҚАРШИ

Футболчиларимиз ана шу нуфузли мусобақага қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу кунгача терма жамоамиз аъзолари Австрия, Германия ва Испания давлатларида ташкиллаштирилган ўқув-йигин машғулотларида иштирок этишди. Навбатдаги йигин 7-18 август кунлари Англияда ўтказилади. Бу ерда футболчиларимиз "Фулхэм", "Челси", "Астон Вилла" жамоаларининг ёшлар таркиби билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушадилар. Биринчи ўйин 11 август кунги Лондоннинг "Фулхэм" клубига қарши ўтказилади. Вакилларимиз уч кундан сўнг Лондоннинг бошқа бир машҳур жамоаси — "Челси"га қарши майдонга тушишади. Йигин доирасидаги сўнгги ўйин Бирмингемнинг "Астон Вилла" клуби билан бўлади. Мазкур учрашув 17 августга белгиланган. — Асосий мақсадимиз жаҳон чемпионатининг финал қисмида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) бош мураббийи Аҳмад Убайдуллаев. — Ҳозиргача ташкиллаштирилган йигинлардан сўнг жаҳон чемпионатида борадиган асосий таркиб футболчиларини даярли саралаб бўлди. Таркиб 22 нафар футболчида иборат бўлади. Энди жисмоний тайёргарлик ишлари бўйича мураббий Мирко Ёлич билан терма жамоа ўйинини янада кучайтириш бўйича иш олиб борамиз.

З. ЖОНИБЕКОВ.

АЙНУРАНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Жорий йил Нукус спорт коллежи битирувчиси, академик эшак эшиги бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Айнара Илёева учун омадли келди. У Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон чемпионати дастурдаги икки кишилик эшак эшиги босқичида голиб бўлди. Бундан ташқари, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳарчасида бўлиб ўтган мамлакат кубоги беллашувида ҳам яхши натижаларни кўлга киритди.

Албатта, ҳар қандай галабага ўз-ўзидан эришилмайди. Унинг замирида тинимсиз меҳнат, машаққатли машғулотлар ётади. Айнара Нукусдаги 8-мактабда ўқиб юрган пайтда шаҳардаги академик эшак эшигида икитослаштирилган Олимпия захиралари мактабига қатнаш бошлади. Бу ерда мураббийлар Муродбой Мамбетназаров ва Руслан Илёсовдан ушбу спорт турининг сир-асрорларини ўрганди. Интилиши ва шижоати тўғрисида тез орада мутахассислар назарига тушди. У шу пайтгача катнашган мусобақаларнинг барчасида соғириндорлар сафидан жой олганлиги, айниқса, тахминга сазовор. Бугунги кунга келиб, Айнара мамлакатимизнинг энг кучли эшакчиларидан бирига айланди. Қорақалпоғистоннинг бир неча бор чемпиони, икки йилдан

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШОНЧ ВА УМИД ФАРЗАНДЛАРИ

Бугун эзгу мақсад йўлидаги ҳар қандай хайрли ташаббус, саъй-ҳаракат давлатимизнинг эътибору эъзозидан четда қолаётгани йўқ. Айниқса, ёш авлод камолоти билан боғлиқ орзу-мақсадларимиз рўйи-учун муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз давлат рағбати, халқ раҳматига сазовор бўлмоқда.

Ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ниҳол" мукофоти ҳам шу йўлдаги хайрли ташаббуслар самарасидир. Зеро, санъат — кўнгил тарбиячиси. У орқали инсон маънавий камолотга етади, руҳий озқолади. Шундай экан, ёш авлоднинг маънавий савиясини юксалтиришга ҳисса қўшаётган истеъдод соҳибларини аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш масаласи доимо устувор аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Мана, ўн йилдирки, мамлакатимизда ушбу нуфузли мукофот учун аънавий рағбатида талов эълон қилиб келинмоқда. Натижада ўтган даврда роппа-роса юз нафар истеъдодли ёш Юртбошимизнинг "Ниҳол" мукофоти билан тақдирланди. Айни пайтда улар орасида 11 нафари Ўзбекистонда хизмат қилган артист, 2 нафари эса Қорақалпоғистонда хизмат қилган артист унвонига ҳамда яна бир қанчаси давлат мукофотларига сазовор бўлишган. — Танловнинг нуфузи ва кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шавкат Ражапов. — Шу маънода, "Ниҳол" мукофоти санъатга илҳомланди ёшларимизни чин маънодаги ижодий рақобатга чорламоқда, десак тўғри бўлади. Хусусан, ўтган йили танлов-

нинг саралаш босқичларида жами 8122 нафар истеъдод соҳиби иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 9643 нафарни ташкил этди. Демак, маълум бўладики, бир йил оралиғида танловда қатнашишга иштиёқманд ёшлар сонини қариб 1,5 минг нафардан ошган.

Айни кунда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичи низоҳисига етди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан олинган маълумотларга қўра, ушбу босқичда иштирок этган 972 нафар иштирокчи орасидан 96 нафар ёш ижодкор сараланди, "Ниҳол" — 2009"нинг республика беллашувида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. — Юртбошимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган эътибори ва қўллаб-қувватлаш чексиз миннатдоримиз, — дейди танловнинг Хоразм вилояти босқичи бошлиғидан бири Райхона Жуманиёзова. — Жумладан, "Ниҳол" мукофоти учун ўтказилаётган катта ижодий кўрик бизни янги марралар сари бошламоқда, илҳомлантирмоқда. Танловнинг вилоятимизда ўтган босқичида 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар иштирок этди. Унда қатнашчилар бешта — ракс, эстрада, опера ижрочилиги, мумтоз қўшиқ ва музика йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Натижада 63 нафар иштирокчи

орасидан 8 нафари голибликни кўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўланма олди. Мен ҳам ана шундай голиб ёшлар орасидан жой олганимдан бахтиёрман. Бу жараёнда амин бўлдимки, ёшларимиз орасида нафақат замонавий ва миллий эстрада ҳамда бошқа жаҳон музика санъати йўналишларига, қолаверса, мумтоз қўшиқларимизга ҳам қизиқиш тобора омиш бораёпти. Бу миллий ўзгичлигимиз, асрий қадриятларимиз кадр топаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, "Ниҳол" мукофоти санъат оламига қадам қўйган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда, яъни истиқболга катта ишонч ва умид билдирганимиз ниҳолларни юксак меҳру эътибор билан парвартиришда беқийс аҳамиятга эга. Шу маънода бундай эъзоз ва рағбатга лойиқ бўлиш истак-иштиёқдаги ёшлар йилдан-йилга кўпайиши билан бирга, улар ўз ижодий савияси, салоҳияти ҳамда маҳоратини оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада танловнинг жойларда ўтаётган ҳар бир босқичи кўтаринки ва қизгин рух-

Шу кунларда танловнинг республика босқичига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган. Аънамага мувофиқ, "Ниҳол" мукофотининг жорий йилги соғириндорларини тантанали тақдирлаш маросими мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги байрами арафасида ўтказилади. Унда турли йўналишлар бўйича жами 15 нафар голибга мукофотлар топширилиши кўзда тутилган.

Фаррух БҮТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Шарқ тароналари" фестивали нуфузли иқтидор соҳиблари кўрик-танловлари орасида чиндан ҳам муносиб ўрин эгаллайди ва унга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қўллаб-даватлар, халқро маданий ташкилотлар, дунёга машҳур санъат арбобларининг ушбу фестивалга бўлган қизиқиши ва эътиборининг тобора ортиши ҳамда иштирокчи давлатлар сафининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани шундан дарак беради. Биринчи фестивалда 20 дан ортик мамлакатдан санъат намоянда-

ни бойитиб келган. Тарихий манбаларда ёзилишича, энг кўна чертиб чалинадиган торли музика асбоби Марказий Осиё худудидан — Самарқандда топилган. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аънавий "Шарқ тароналари" халқро музика фестивалининг Самарқандда ўтказилишида рағбат берилди. "Шарқ тароналари" музика фестивали доирасида, одатга қўра, турли симпозиумлар, учрашувлар, анжуман ва танловлар ўтказилади. Улар турли мамлакатлар музикачилари ўртасидаги мулоқотга хизмат қилади. Оғзаки

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» МЕҲМОНЛАРИНИ ЧОРЛАЙДИ

лари иштирок этган бўлса, бу йилги музика анжуманида 50 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашиши кўзда тутилмоқда. — Фестиваль дирекциясига унда иштирок этиш истагини билдирган музикачиларнинг асарлари ёзилган дисклар, аудио ва видеоасмалар келишида давом этмоқда, — дейди "Шарқ тароналари" халқро музика фестивали дирекциясининг ижрочи директори Бакир Эшматов. — Бу йил фестивалга боғриқаси ҳам анча кенгайди. Бу эса, ўз навбатида, Самарқанд форумининг нуфузи юксалганидан далолатдир. МДХ мамлакатлари, Австрия, Венгрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Италия, Хиндустон, Хитой, Япония ва бошқа қўллаб-даватлар вакиллари фестивалда қатнашиш истагини билдиришди. Бугунги кунга келиб Самарқанд фестивали сайёрамизнинг даярли барча қитъаларини қамраб олди. Бу йилги фестивалда илк бор Коста-Рика, Катар, Австралия, Йордания, Мексика ва Словакиядан музикачилар иштирок этишди.

ижодийт масалаларига бағишланган Халқро музикашунослик симпозиуми шулар жумласидандир. Музика форумининг очилишига бош режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида катта концерт дастури тайёрланмоқда. Форумда 20 дан зиёд бадиий жамоалар, халқ артистлари, хофизлар ва машҳурлар иштирок этиб, ўзбек миллий музикасининг бойлиги ва ранг-баранглигини намойиш этишади.

Шарқ музикаси ўзига хослиги ва бош аънавалари билан кишини ўзига жалб этади. Айнан мана шу жиҳат жаҳон музикачилари, бастакорлари, музикашунослиқ олимлари эътиборини Шарқ санъатига қаратиб, жаҳон маданий маконидан муҳим ўрин тутиб келган.

"Шарқ тароналари" нафақат Шарқ музикасининг қадимийлиги ва аънавийлигини, балки унинг тингловчига бўлган таъсир кучини намойиш этади. Зеро, музика халқларни бирлаштириши, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорликни улуглайди, инсон қалбидан санъатнинг кучига бўлган муҳаббат ҳисси ва ишонч шакллантиради. Шуниси қувонарлики, ушбу музика форуми нафақат Шарқ, балки бутун дунё халқларининг ноёб миллий музика намуналарини авайлаб-асраш, кенг тарғиб этиш ва ривожлантиришда улук мақсадларга хизмат қилади.

Насиба СОБИРОВА,
«Жаҳон» АА.

Маълумки, қўш нурунинг ҳам инсон саломатлиги учун салбий таъсири бор. Айниқса, ёшнинг жазирама кунларида меъридан ортик офтоб тафтида бўлиш кўплаб асоратли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

ҚУЁШДА ТОБЛАНИНГ, АММО...

Масалан, шу кунларда кишлоқ жойларда йигим-терим мавсуми қизгин давом этмоқда. Шу боис қўш тиги тикка келса-да, деҳқон даласидан, чўпон-чўликлар яйлову ўтлоқларидан узоқлашгани келмайди. Чўмилш ҳавзалари, тоғу адира-лар, табиат қўйнидаги дам олиш масканлари катта-кичик юртдошларимиз билан гавжум. Бундай ва-

зиятда кўп вақт қуёшда товланиш оқибатида кишини "офтоб уриши" мумкин. Натижада инсон танасида беш оғриги, қулоқ шангилаши содир бўлади. Хасталикнинг оғирроқ кўринишларида эса кўнгил айниди, юрак уриши тезлашиб, тана ҳарорати кўтарилди. — Офтоб уриши миёда қон айланишининг бузилишига сабаб бўли-

ши мумкин. Бу инсоннинг физиологик ҳолатига жиддий таъсир кўрсатувчи омилдир. Қўш, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, хаста-

соябонлар, оқ тусли дурра ва рўмонлар офтоб тафтини қайтарувчи воситалардир. Юқори ҳароратли кунларда сунъий толадан тўқилган

кийим-кечаклардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Факулдада офтоб уриши юз берганда, беморни соя-салқин жойга олиб ўтиш лозим. Бу вазиятда хасталикка чалинган инсон бош қисми юқори ҳолатда ётқизилди, боши совуқ сувга намланган сочқ билан ўралди, танаси эса совуқ ва намланган мато,

иймани бўлса спиртли суюқлик билан артिलाди. Агар бемор ҳушини йўқотмаган бўлса, унга муздеккина маъданили сув, қумизак (квас), зардоб ийдирилган қатик, айрон, чалоб берилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бу вазиятда оғриқни қолдирувчи ҳамда ҳароратни пасайтирувчи дори-дармонлардан фойдаланиш ҳам ярамайди. Албатта, ҳар биримиз ёшми саз ўтказишга ҳаракат қиламиз. Демак, бу жараёнда саломатлигимизга эътиборли бўлсак, мавсумнинг гашти ва завқи янада ортиши, шубҳасиз.

Манион НАБИЕВ,
доришунос.

ОБ-ҲАВО (30 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. **Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади. **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик қузилмайди. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади. **Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 656. 37593 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
1-Тижорат материал
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқуни — 21.10 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қаримов.
Навбатчи — З. Худойшукоров.
Мусаҳҳих — Ҳ. Топхўжаев.